



ISSN (E): 2181-4570

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ ЎРНАТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ИИВ Академияси 3 ўқув курси 308 гуру курсанти  
Шохимардонов Дилшод Жамшидович

**Аннотация:** Профилактика инспекторининг маъмурий назоратни амалга ошириш фаолиятини илмий-назарий асослари, Профилактика инспекторининг маъмурий назоратни амалга ошириш фаолиятини методологик асослари. Бундан ташқари Профилактика инспекторининг маъмурий назоратни амалга ошириш фаолиятини тартибга солувчи нормаларнинг амалиёт тахлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муоммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаомо ва камчиликларни бартараф етиш бўйича бир қатор таклифлар. Профилактика инспекторининг маъмурий назоратни амалга ошириш фаолияти бўйича бошқа давлатларнинг илғор хорижий тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ухшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатлари фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йуналишлари ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Профилактика инспектори, маъмурий назорат, муқаддам судланган, жазони ижро ижро этиш, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, профилактика инспекторларининг маъмурий назоратни амалга ошириш фаолияти.

Профилактика инспекторлари жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ўз маъмурий ҳудудида барча фуқаролар билан айниқса муқаддам судланган шахслар шу жумладан, маъмурий назоратда турувчи муқаддам судланган шахслар билан тарбиявий профилактик ишларни ташкил этувчи асосий субъектлардан бири бўлиб ҳисобланади. Улар нафақат маъмурий назорат ўрнатилган шахсларга нисбатан назорат-текширув ва тарбиявий мазмундаги профилактик тадбирларни амалаг оширадидилар, балки маъмурий ҳудуддаги барча фуқароларга умумажбурий қоидаларга риоя қилишларини назорат қиладидилар. Маъмурий назоратни таъминлашда профилактика инспекторлари аввало Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига ва айнан маъмурий назоратни тартибга солувчи қонунлар қонун ости норматив ҳужжатларга асосан






бевосита фаолият юритиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Жазони ижро ижро этиш жойларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги Қонуни ҳамда ИИВнинг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги, «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги, « Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги йўриқномалари профилактика инспекторларининг маъмурий назоратни таъминлаш бўйича асосий вазибаларини белгилаб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторларининг маъмурий назоратни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек ушбу фаолиятни таъминлашда ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бугунги кунда етарли даражада ишлаб чиқилган бўлсада, бироқ амалиётда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан шунингдек, ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини ифодаловчи методик, услубий –амалий қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш заруриятининг мавжудлиги ушбу субъектларнинг фаолиятини ва ҳамкорлигини самарали ташкил этишга муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этиш профилактика инспекторларининг маъмурий назоратни амалга ошириш фаолиятини ва ҳамкорлигини акс эттирувчи услубий методик қўлланмаларни замон талаби ва қонунчиликдаги охириги ўзгартиш, қўшимчаларни инобатга олган ҳолда тайёрланилишини ва доимий равишда такомиллаштириб борилишини тақазо этади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Каримов И. А.* Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 280 б.
2. *Исмаилов И.* Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – 168 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг



ISSN (E): 2181-4570

маъмурий назорати тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 33-м.

